

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Посетитель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 79—80 (2720—2721)
1994 йил, 14 октябрь

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
1 сўм.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ - ИНТЕРПОЛ АЪЗОСИ



“ПОСТДА” — “НА ПОСТУ” ГАЗЕТАЛАРИ ТАҲРИРИЯТИНИНГ САВОЛЛАРИГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ,

ИЧКИ ХИЗМАТ ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТИ З. АЛМАТОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

— Зокиржон Алматович, шу йил 28 сентябрда Интерпол Бош Ассамблеясининг Италияда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида жиноятчиликка қарши кураш полицияси Халқаро ташкилоти — Интерполга Ўзбекистон Республикаси тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди. Бу аъзоликнинг давлатимиз, вазирлигимиз учун аҳамияти қай даражада?

— Чиндан ҳам 1994 йилнинг 28 сентябрыда унутилмас воқеа юз берди — Ўзбекистон Республикаси жиноятчиликка қарши кураш полицияси Халқаро ташкилоти — Интерполнинг аъзоси бўлди. Республика бу ташкилотга Интерпол Бош Ассамблеясининг шу йил 28 сентябрдан 4 октябргача Рим шаҳрида бўлиб ўтган 63-сессиясида қабул қилинди, сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг делегацияси иштирок этди.

Бу воқеанинг аҳамияти жуда каттадир. Аввало, биз уни мамлакатимиз халқаро миқёсда эътироф этилаётганининг давом этиши деб ҳисоблаймиз ва бундан қониқиб ҳосил қилишимиз. 1993 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов давлатимиз албатта Интерполнинг тўлақонли аъзоси бўлади деб ишонч билдирган эди. Бир йилдан зиёд вақт давомидида олиб боришган катта тайергарлик ишлари ижобий натижа билан якунланди.

Шу билан бирга гоётада обрўли ва самарадор халқаро ташкилотлардан бирига аъзо бўлиш зиммаларига улкан масъулият юклашнинг равшан тасаввур этишимиз керак. Кўпчилик учун “Интерпол” номи сирли туюлади, матбуотда босилган кўп сонли мақолалар ва кинофильмлар эса Интерпол ходимларининг гоётада мароқли, албатта халқаро гангстерлар билан олишувларда голиб чиқадиغان саргузаштларини тасвирлайди. Ҳақиқий воқелик, шубҳасиз, бундай манзарадан йироқ, “Интерпол” деб аталадиган ташкилот эса китоб ва фильмларнинг муаллифлари

хаёлотига яратилган тимсолга ҳеч ҳам ўхшамайди.

Жиноятчиликка қарши курашдаги халқаро ҳамкорлик кейинги вақтда борган сари долзарб тус олмоқда. Интерпол фаолияти айна шу курашни таъминлаши керак. Жиноятчиликнинг, айниқса уюшган жиноятчиликнинг ўсиши кўп мамлакатларнинг бир маромда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши йўлида жиддий тўсиқдир, унга қарши кураш эса жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини ҳам минтақавий, ҳам жаҳоншумул даражаларда мувофиқлаштиришни тақозо этади. Гарчи мамлакатимизда кейинги йилларда жиноятчилик кўлами қисқариб бораётган бўлсада, табиийки, Ўзбекистон ана шу мувофиқлаштириш жараёнидан четда тура олмайди. Халқаро нарқобизнесга қарши курашда қатнашиш республика учун ана шу соҳада халқаро ҳамкорликнинг, айниқса истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Жаҳонда кейинги йилларда юз берган кенг сиёсий ўзгаришлар натижасида Осиё қитъасида гиеҳвандлик воситаларининг нолегал айланиши, айниқса унинг Оврупо мамлакатларига контрабанда орқали транзит олиб ўтилишига барҳам беришга доир фаолиятда собиқ СССР ҳудудида пайдо бўлган янги давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг роли ошиб боради. Ушбу кулфатга қарши яққа ҳолда муваффақият билан кураш олиб бориш, амалиёт гувоҳлик бераётганидек, мумкин эмас.

Бундан буён Ички ишлар вазирлигининг, Ўзбекистондаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти жиноятчиликка барҳам бериш ишига бевосита амалий ҳисса қўшаётган халқаро ташкилотга аъзолик тақозо этадиган юксак талабларга мувофиқ бўлиши керак. Ҳали бу йўналишда кўп иш қилишимизга тўғри келади.

— Зокиржон Алматович, Интерполнинг ташкил этилиш тарихи ва унинг олдида турган вазифалар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Интерполнинг тарихи ўз ичига бир неча ўн йилни олади. Унинг ташкил этилиш санаси деб 1923 йил 7 сентябрни ҳисоблаш қабул қилинган. Уша кун асосан Оврупода жойлашган 20 мамлакат, шунингдек АКШ, Миср, Хитой ва Япония полиция идораларининг вакиллари Венада конгрессга йиғилган эдилар, шу кун жиноятчиликка қарши кураш полицияси Халқаро комиссияси ташкил этилди ва унинг Низоми қабул қилинди. Шунини таъкидлаш керакки, бундай ташкилотни ташкил этиш қарори 1914 йил апрелидаёқ, Овруподаги мўъжаз Монако давлатининг раҳбари герцог Альбертнинг ташаббуси билан чақирилган бир қатор мамлакатлар полиция идоралари раҳбарларининг конгрессида қабул қилинган эди, лекин биринчи жаҳон уруши уни амалга оширишга ҳалакат берди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида жиноятчиликка қарши кураш полицияси Халқаро комиссияси амалда фаолият кўрсатмади, унинг қайтадан тикланиши 1956 йилдан бошланди, ўша йили Венадаги сессияда янги Низом қабул қилинди. Унинг биринчи моддасига мувофиқ ташкилот “Жиноятчиликка қарши кураш полицияси Халқаро ташкилоти” (қисқача айтганда — Интерпол) деган янги ном олди. Низомга мувофиқ, Интерпол ўз олдида жиноятчиликка қарши кураш полицияси барча идораларининг унга аъзо бўлган мамлакатларнинг мавжуд қонунчилиги доирасида ва Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси руҳида кенг миқёсда ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва ривожлантириш, шунингдек умуман жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда муваффақият билан ердан бера оладиган муассасаларни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадини қўяди. Уша вақтдан бери ҳаётда юз берган ўзгаришлар натижасида Интерпол халқаро жиноятчиликка қарши курашнинг биргаликда полиция стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш бўйича жаҳон марказига, айтиш мумкинки, ўзига хос ноёб ташкилотга айланди. Ўзбекистон

Республикаси унинг 156-аъзоси бўлди, уни қабул қилиш маросими эса мамлакатимизнинг Интерпол фаолиятда амалда иштирок этишини бошлаб берди.

— Бу галги сессияда яна қандай масалалар кўрилди?

— Интерполнинг олий органи бўлган Бош Ассамблеянинг 63-сессиясида жуда кўп масалалар кўрилди. Ташкилотнинг 1993 йилги фаолияти хусусидаги ҳисоботдан ташқари, гиеҳвандлик воситаларининг гайриқонуний айланишига, терроризмга, халқаро иқтисодий жиноятларга қарши курашга доир масалалар кўрилди. Сессия доирасида Интерпол минтақавий тармоқлари ҳамда ташкилотнинг аъзо мамлакатларида ўзига хос филиаллари бўлган Миллий марказий бюроларнинг раҳбарлари кенгашлари бўлиб ўтди. Интерпол Низоми ва Молия регламентига ўзгаришлар қабул қилинди, шу жумладан аъзолик бадаллари миқдори оширилди. Ижроия қўмитасининг янги таркиби сайланди, бу ташкилотнинг президенти қилиб Швеция миллий полицияси комиссари Б. Эрикссон сайланди. Шунингдек, ташкилот фаолиятининг баъзи ўзига хос масалалари ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Делегациямиз бошқа мамлакатлардаги ҳаммасблари билан мулоқотдан, қўмиталар ва Бош Ассамблеянинг умумий мажлисларида қатнашишдан кўп фойдали нарсалар оладилар. Сессия материалларини ҳозир ўрганаёلمиз ва улардан амалий фаолиятда фойдаланамиз.

— Интерполга аъзо бўлиш Ўзбекистон учун қандай имкониятлар яратиб беради?

— Жиноятчиликка қарши кураш Халқаро ташкилотига аъзо бўлиш тўғрисида кўпгина қирғилардан имкониятларимиз гоётада кенг ва хилма-хил. Улар аввало жиноятчиликка қарши кураш борасида жаҳонда тўплаган бой тажрибага бевосита мурожаат қилиш, уни ўрганиш ва биз учун мақбул шарт-шароитда ўзлаштириш билан боғлиқ. Мамлакатимиз бошидан кечираётган ўтиш даври,

иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, айниқса иқтисодиёт соҳасида янги, илгари учрамаган жиноят турларини юзага келтирмоқда. Биз эса уларга қарши курашни ҳали удалай олмаяпмиз, шунинг учун ҳам мавжуд восита ва усулларни эгаллаш биз учун жуда муҳимдир.

Савдо, саёҳатлар соҳасида халқаро алоқаларнинг доимий ўсиб бориши кишилар борасида кенг айирбошлашни, мамлакатимизга ва ундан ташқарига кўлаб кишиларнинг келишини юзага келтиради. Интерполнинг ахборот тармоқларида иштирок этиш кидириладиган шахслар ёки ўтирилган кимматбаҳо нарсалар хусусидаги тегишли ахборотни гоётада жадал айирбошлаш, жиноятчиларни ушлаш чораларини кўриш, тўтилган кишиларни текшириш, бедарак кетган кишиларни кидириш, шунингдек бошқа вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, гиеҳвандлик воситаларининг гайриқонуний айланишига қарши курашнинг халқаро механизмларида иштирок этиш мамлакатимиз учун гоётада муҳимдир. Шу жиҳатдан олганда Интерполнинг имкониятлари Ўзбекистонни жуда ҳам ўзига жалб этади. Бундан ташқари, Интерполга аъзо бўлиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий техник воситалари билан таъминлашда амалий ердан олиш учун реал имконият яратади.

Албатта, кўп нарсалар ўзимизга, Интерполнинг жуда ҳам кўп қирғилари фаолиятида амалда қандай иштирок этишимизга боғлиқ. Энг яқин келажакдаги вазифамиз, Ўзбекистонда Миллий марказий бюрони, яъни жиноятчиликка қарши кураш полицияси Халқаро ташкилотининг ишида бевосита иштирок этишимизни рўйбга чиқарадиган механизмни ташкил этишдан иборат. Қолган барча иш ана шу вазифани қанчалик муваффақиятли ҳал этишимизга боғлиқдир.



БАРАКАЛИ ҲИССА ҚЎШИБ

СИРДАРЁ вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари бўш пайтларида юртимиз бойлиги — “оқ олтин”ни йигиб-териб олишда ўз ҳиссаларини қўшаётирлар.

Улар бугунги кунда Гулистон туманидаги Акбар Мамажонов раислик қилаётган акционерлик жамиятининг 4-бригада даласида пахта термоқдалар. Ходимларнинг ҳар бири кунига 50-60 килограммдан хирмонга “оқ олтин” тўкаптилар. Хатто Нина Петровна Шестак, Вера Павловна Соколовалар кунига 80 килодан пахта териб, бошқаларга ўрнат бўлишмоқда.

— Биз, — дейди акционерлик жамиятининг раиси А. Мамажонов, — пахта йигим-теримига ҳисса қўшаётган ички ишлар ходимларининг сидқидилдан қилаётган меҳнатини олқишлаймиз. Уларнинг осойишталикни сақлаш билан бирга

пахта теримида ҳам фаол иштирок этаётганликлари бизни қувонтиради.

Ҳашарчилар меҳнатдан сўнг санъат ихлосмандлари томонидан ижро этилаётган куй-қўшиқларни тинглаб, мароқли дам олишяпти.

Олимжон МУСАЕВ,
Сирдарё вилояти ИИБ ходими.

Суратларда: пахта даласида; илгор теримчи Н. Шестак; дам олиш соатида.

Муаллиф олган суратлар.



Икки жума оралиғида

ЎҒРИ ҲАМҚИШЛОҒИ ЭКАН

Денов туманидаги Бобур номли жамоа ҳўжалиги ҳудудидан Тюмень вилоятидан келган, ҳеч қаерда ишламайдиган З. А.нинг жасади топилди. ИИБ ходимлари воқеа жойини синчиклаб ўрганиб, суриштирув ишларини пухта олиб борганлари туфайли тез фурсат ичида жиноятчиларни аниқлаб, қўлга олдилар. Улар шу жамоа ҳўжалигида яшайдиган, 1970 йилда туғилган Б. Х. ва М. Н.лар экан. Улар ўз қилмишлари учун суд олдида жавоб беришлари аниқ.

ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

Китоб туманидаги “Зарафшон” давлат ҳўжалиги аъзоси, 1939 йилда туғилган Х. Қодировнинг хонадонига тунда номаълум шахслар кириб, унинг 12 бош қўйини ўғирлаб кетишди. Худди шу тунда унинг қўшниси С. Даминовнинг уйдан ҳам икки бош қорамол йўқолиб қолди.

ИИБ ходимлари ҳар иккала жиноят бўйича қидирув ишларини олиб боришди. Натижада ўғри аниқланиб, ушланди. У шу жамоа ҳўжалиги аъзоси, 1971 йилда туғилган Б. И. бўлиб чиқди. Ҳозир ушбу иш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ТАНОБИ ТОРТИЛДИ

Тўртқўл тумани ИИБ ходимлари ўтказган навбатдаги тезкор тадбир пайтида “Ўзбекистон” жамоа ҳўжалигида яшовчи, туман матлубот жамиятида сотувчи бўлиб ишловчи, 1958 йилда туғилган У. Ҳ.нинг хонадонидан 19 килограмм гиёҳванд модда — кўкнор топилди. Олинган ашёвий далиллар ҳужжатлаштирилди. У. Ҳ.нинг таноби тортиладиган бўлди.

ҚОТИЛ ЭР

Тошкент шаҳар Сирғали тумани 16-мавзедаги чакалакзордан бўғиб ўлдирилган аёлнинг мурдаси топилди. ИИБ ходимлари қисқа муддат ичида жасаднинг шахси ва унинг қотилини аниқладилар. Марҳума шу тумандаги 5-мавзе, 26-уйда яшаган, 1958 йилда туғилган Т. Я., унинг қотили эса умр йўлдоши, 1958 йилда туғилган А. Т. бўлиб чиқди. Қотил эр ҳибсга олинди.

“МЕҲМОН” ЙЎЛДАН ҚОЛДИРИЛДИ

Термиз темир йўл бекатида 6573-рақамли Термиз — Келиф поездининг 3-вагонига кетаётган новосибирсклик йўловчини нақлиёт милицияси ходимлари йўлдан қолдиришди. Сабаби, уни текшириб кўришганда, енидан бир килограмм 150 грамм гиёҳванд модда топилди.

ЗЎРАВОН УШЛАНДИ

Наманган шаҳар Норин кўчасида яшовчи Е. Н. ўзининг шахсий “Иж-Комби” русумли автомашинасида Машад қишлоғидан ўтиб бораётганда уни номаълум шахс тўхтатиб, пичоқ билан қўрқитиб, автомашинасини тортиб олди. Бироқ у узоққа боролмади. Милиция ходимлари ўз вақтида кўрган чора-тадбирлар туфайли зўравон тез орада ушланди.

ТОВЛАМАЧИ ТУШОВЛАНДИ

Самарқанд шаҳридаги “Дамариқ” акционерлик жамиятига қарашли новвойхона новвойи, 1966 йилда туғилган Х. Ж. Дамариқ бозорида товламачилик йўли билан Ўзбекистон кўчасида яшовчи Б. И.дан 20 минг сўм пулни олаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Тергов ҳаракатлари якунлангач, ушбу жиноий иш билан газетхонларни таништириш ниятидамиз.

ҚЎЛБОЛА ТЎППОНЧА КИМНИКИ?

Самарқанддаги кулолчилик цехи ишчиси, 1955 йилда туғилган З. Р.нинг уйи текширувдан ўтказилганда ундан тўрт дона қўлбола тўппонча, 49 дона кичик калибрли ўқлар ҳамда 60 грамм наша топилди. Қўлбола тўппонча кимдан, қачон, нима мақсадда олингани аниқланмоқда.

УЙДА... ЖАНГОВАР ГРАНАТА

Навойи шаҳрида илгари содир этган жинояти учун ҳибсга олинган бухоролик С. Ж. нинг хонадонидан бир дона жанговар граната топилди.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН

Ургут туманидаги Бешкапа қишлоқ даласида тунда бир неча шарпа пайдо бўлди. Чақирилмаган “меҳмон”ларни сезиб қолган қоровул Ғ. А. уларни ушламоқчи бўлиб шайланди. Бироқ у мақсадига эришишга улгурмади. Шарпалардан бири қўлидаги 16 калибрли милтиқдан ўқ узиб уни биқинидан яралади. Шундан сўнг ўғирлар қочиб кетишди. Жабрланувчи касалхонада жон берди. Жиноятчилар эса ушланди.

Қилмиш—қидирмиш

ҚЎШНИСИДАН ТОПДИ...

Аввал қишлоғидаги Титов кўчасида яшовчи Мамлакат Ҳусанова онасини кўриб қайтиб келса, хонадони ағдар-тўнтар бўлиб етибди. У тезлик билан бу ҳақда милицияга хабар қилди. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими тизкор вакили, милиция катта лейтенанти Аҳатжон Ҳасанов ва худуд нозир, милиция майори Муқимжон Олимовлар суриштирув ишларини бошлаб юбордилар. Вақтида олиб борилган тезкорлик тадбирлари ўзининг ижобий самарасини берди. Ўғри шу кўчада яшовчи, илгари ҳам

ўғирлик қилгани учун судланиб чиққан, 1977 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Бахтиёр Иминжонов бўлиб чиқди. У уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, қўшнисининг гилами, дазмоли, икки дона соати ва сув насосини олиб чиқиб кетган эди. Уйга эса дераза орқали кирганини, ўғирланган буюмларни таниши М. Икромовга арзон-гаровга пуллаганини терговда айтиб берди. Ички ишлар бўлими ходимларининг тезкорлиги, ишбилармонлиги туфайли жиноятчи қисқа муддат ичида қўлга олинди. Ўғирланган буюмлар ўз эгасига қайтарилди.

Одильжон Ғофуров,
Фарғона вилоят, Фарғона тумани
ИИБ бошлиғи, милиция майори.

Қисқа хабарлар

ОҒУ ЭКУВЧИ НАФАҚАДОРЛАР

Этган жинояти учун судланган, Қирғизистон Республикаси Жалолобод шаҳрида яшовчи... 60 ёшли Ш.Наврўз экан. Терговни ички ишлар ходимлари олиб бормоқда.

НИЯТИ АМАЛГА ОШМАДИ

РОМИТАН туманидаги фирмалардан бирида бошлиқ муовини бўлиб ишловчи Рустам ўзаро келишмовчилик туфайли ўзи яшаб турган уйининг 3-қаватидан Р.Надеждани пастга ташлаб юборди. Бахтли тасодиф туфайлигина жабрланувчи тирик қолди. Аёл оғир таъжироти билан касалхонага ётқизилди. Ёш аёлни ўлдиринишга суиқасд қилиш сабабларини ўрганилмоқда.

КЕЛИШМОВЧИЛИК ТУФАЙЛИ

БУХОРО шаҳридаги Равенство кўчасида яшовчи Л.Сергей ва Х.Рифатлар ўзаро жанжаллашди. Жаҳл отига минган Рифат Сергейнинг қоринга пичоқ урди. Жабрланувчи касалхонага ётқизилди. Х. Рифатни ушлаш чоралари кўрилмоқда.

Шўҳрат Қўлдошев,
Бухоро вилояти ИИБ матбуот
гурӯҳи ходими, милиция майори.

ЎҒРИ БОЛАЛАР

БУХОРО шаҳри Уल्याнов кўчасида жойлашган Аминбобо номли шахсий дўконда ўғирлик содир бўлди. Ўғирлар катта миқдорда пул ва ҳар хил товарларни олиб кетишди. Бироқ улар узоққа кетишга олмади. Шу ҳудудда хизмат вазифини ўтаётган соқчиллик бўлими ходимлари хатти-ҳаракати билан шубҳа уйғотган икки ўспиринни тўхтатиб, текшириб кўрганларида Аминбобо номли шахсий дўкондан ўғирланган пул ва нарсалар чиқди. Ўғирлар эндигина 13 ёшга кирган 8-синф ўқувчилар экан.

МЕҲМОН ЎҒРИ ЭКАН

М.МУҲАМЕДОВА Бухоро шаҳар деҳқон бозорига рўзгорга керакли нарсаларни харид қилиш учун борган эди. Афсуски, унинг орзуси амалга ошмай қолди. Кимдир унинг чўнтагидан пулини ўғирлаб кетди. Яқиниями, унинг бахтига милиция ходимлари бор экан. Ички ишлар ходимлари зудлик билан қидирув ишларини бошлаб, чўнтакчесарини тезда аниқлашди. Ўғри ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам содир

АЙНИ КУНЛАРДА республикамизнинг барча вилоятларида пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари қизгин паллада. Кун сайин тўпланаётган ҳосилдан осмонўпар хирмонлар кўтарилмоқда. Албатта, машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган "оқ олтин"имизни сўнгги толасигача нест-нобуд қилмай, ёгингарчиликка қолдирмай хирмонларга уюб олиш биринчи галдаги вазифамиз. Аммо олдимизда яна бир улкан масъулият бор, буни зинҳор унутмаслигимиз даркор. Бу ана шу тўпланган ҳосилни ёгин хавфсизлиги қондаларига амал қилган ҳолда сақлашдики, агар эътиборсизлик қилмасак, бу иш барчамизнинг қўлимиздан келади.

"Агар эътиборсизлик қилмасак" деган жумлани бежизга келтирмадик. Чунки мавсум давомида содир бўлган ўттиздан ошқин ёгин айнан эътиборсизлик, беғамлик оқибатида юз берган. Мисоллар келтирамиз.

13 сентябрь куни Самарқанд вилояти Зарбулоқ пахта тозалаш корхонаси ҳудудида Нарпай тумани Ғалаба жамоа хўжалигига қарашли Т-28 тракторининг учкун ўчиргичи носозлиги туфайли ёгин

содир бўлиб, трактор аравасидаги пахтанинг эллик килограмми нобуд бўлди.

Худди шу куни шунга ўхшаган ёгин Сурхондарё вилояти Қизилқум тумани Ҳаким Эшбоев жамоа хўжалиги 1-бўлим, 5-бригадасига қарашли трактордан чиққан.

14 сентябрь куни Сурхондарё

МЕҲНАТИМИЗ КУЙМАСИН ДЕСАК

вилоятининг Узун, Шўрчи, Қизилқум туманларида юз берган тўртта ёгиннинг сабаблари ҳам автотранспорт воситаларининг учкун қайтаргичларидаги носозликлардир.

15 сентябрь куни эса мослаштирилмаган юк ортгич билан пахта юкланаётган вақтда учкун чиқиб, Андижон вилоят Қўрғонтепа тумани Савай давлат хўжалиги 5-бўлими хирмонида 400 килограмм пахта куйиб қол

бўлди.

Худди шу куни Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманининг Оқтепа жамоа хўжалиги 8-бригадасида тракторнинг носозлиги оқибатида ёгин чиққан ва анчагина пахта ёнган.

Мисолларга эътибор берган бўлсангиз, масъул ходимларнинг энг оддий техника хавфсизлиги

қондаларига амал қилмасликлари оқибатида ҳосил нобуд бўлаётти. Бу деҳқон меҳнатига нисбатан кечирилмас ишдир.

Ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик, янги ҳосилни йиғиб-териб олиш ва ташиш вақтида ёгин чиқмаслиги учун бор-йўғи қуйидаги талабларни бажариш кифоя:

— пахта ортилган барча автотранспорт воситаларининг устига шолча (брезент) ёпилган

бўлиши керак;

— пахта ортилган техника воситалари устида одам олиб юриш қатъиян ман этилади;

— пахта йиғим-теримига жалб этилган барча автотранспорт ва тракторлар бирламчи ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланган бўлиши шарт;

— автомобиль ва тракторларга ёқилғи ва мой қуйиш ишлари пахта майдонлари ва хирмонлардан йироқ бўлган махсус жойларда бажарилиши керак;

— пахта ташиш учун мўлжалланган барча техника воситаларида учкун қайтаргичлар ўрнатилган бўлиши шарт;

— пахта майдонлари ва хирмонларга яқин жойларда таъмирлаш ишларини олиб бориш қатъиян тақиқланади.

Келтириб ўтилган ушбу ёгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилсак, барчамизнинг заҳматимиз эвазига етиштирилган бойлигимизни ўт балосидан асраган ва юртимиз иқтисодини янада кўтаришда катта ҳисса қўшган бўламиз.

Фатхулло БОБОХУҲАЕВ,
Ўзбекистон ИИБ ЁСБ
муҳандиси, ички хизмат
катта лейтенанти.

"О!" ХАБАРЛАРИ

Ғазалкент тумани Қозоқ қишлоғидаги С. Бурхоновнинг ҳовлисида ҳам юз берди. Натижада икки тонна сомон ёниб битган. Бу сафарги айбдорнинг еши ҳам бешда.

16 СЕНТЯБРЬ куни Шахрихон туманидаги Олтин водий жамоа хўжалигининг Ўза қишлоғида А. Худойбердиевнинг хонадонидида ёгинда учта инсон турли даражадаги тан жароҳатлари билан касалхонага тушди. Ушбу хонадонда газ баллони портлаган.

23 СЕНТЯБРЬ куни газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида Самарқанд вилоят, Пастдарғом тумани С. Бекмуродов қишлоғи Нарпай кўчаси, 82-уйда истиқомат қиладиган Ж. Қодиров уйи олов олиб, 360 квадрат метр том ва уй анжомлари ёниб, 35 минг сўмлик моддий зарар етказди.

ХАЗОРАСПЛИК М. Холмуродовнинг ҳам молхонаси ўт олди. Молхона билан бирга етти бош қорамол ҳам нобуд бўлди. Ёгин қўшничидаги ўтиб, унинг молхонаси ва уйини зарарлади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёгиндан сақлаш бошқармаси.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикамизда 15467 бор ёгин ҳодисаси қайд қилинди. Келтирилган зарар 11 миллион сўмдан ошиб кетган.

Ёгинлар, асосан, фуқароларимизнинг турар-жойларида (10611 та), ишлаб чиқариш корхоналарида (1033), маъмурий, маданий ва маиший биноларда (798) содир бўлган. Унинг натижасида 199 киши ҳалок бўлган, 1608 киши эса турли даражадаги тан жароҳатлари олган.

Ёгин сабаблари ҳам турлича. Яъни, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш (4464), электр ускуналарининг носозлиги (3505), болаларнинг олов ўйнашлари (3359), иситиш асбобларининг носозлиги (3113) кабилардир.

Қуйида шу ўтган тўққиз ой мобайнида содир бўлган ёгинларнинг айримлари ҳақида қисқа маълумотлар берилмоқда.

15 ИЮНЬ куни Сурхондарё вилояти Сароисё тумани Охунбобоев участкасида яшовчи И. Қудратовнинг хонадонидида электр сувқайнатгичнинг қаровсиз қолдирилганлиги натижасида ёгин чиққан. Оқибатда уй ва уй анжомлари ёнган. Моддий зарар 7 минг сўмни ташкил этди.

22 ИЮНЬ куни Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Навоий кўчаси, 12-уйда истиқомат қилувчи А.

Билолов айнан ёгин туфайли минг сўмга тушди. Уйининг 144 квадрат метр томи ёниб кетди. Билоловлар хонадонни газ плитасидан нотўғри фойдаланганликлари сабабли ўз бошларига ана шундай ортқича ташвиш орттиришган.

ХУДДИ шу куни электр симининг қисқа туташувидан Наманган вилоятининг Норин туманидаги Тўлқин қишлоғида яшовчи К. Норхўжаев уйининг 58

квадрат метр томи ёнганлиги сабабли "осмон бемалол кўринадиган бўлиб қолган". Моддий зарар 1500 сўм.

30 ИЮНЬ куни Наманганнинг Тўрақўрғон туманидаги Пахтакор кўчаси, 8-уйида истиқомат қилувчи Розиковга қарашли автогараж ёнди. Ёгинда гараж эгаси турли даражадаги тан жароҳатлари билан касалхонага жойлаштирилди. Айбдор эса ўзи: эҳтиётсизликка йўл қўйган.

1 ИЮЛЬ куни Андижон шаҳридаги Тельман кўчаси, 32-уйда ҳам аланга чиқди. Уй эгаси К. Раҳимов ошхонасидаги газ плитасини назоратсиз қолдирган. Олов қўшни 30- ва 25-уйларга ҳам ўтиб, каттагина зарар етказди: 31 минг сўм.

6 ИЮЛЬ куни юз берган Тошкент вилояти Ангрен шаҳрининг Самарқуч кўчаси, 428-уйда яшайдиган М. Уролов хонадонидида ёгинда эса уйнинг шифти ва ярим тонна ҳашак ёнди. Сабабчи 5 ешли Д. Уролов. Болакай олов билан шўхлик қилган экан.

ХУДДИ шунга ўхшаш ёгин 10 сентябрь куни Самарқанд вилояти,

НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЯПТИ

САМАРҚАНД вилоятининг Пахтачи тумани юқори ҳосил етиштирувчи миришкор деҳқонлари билан шўхрат қозонган йирик пахтакор туманлардан биридир. Бу ерда 13 пахтакор хўжалик, 10 пахта тайерлаш пункти ва битта пахта тозалаш корхонаси жойлашган. Пахта хом ашёсини тайерлаш режаси — 32 минг тонна.

Қишлоқ хўжалик ходимлари билан бир қаторда милиция подполковниги А. Узоқов бошчилик қиладиган Ички ишлар бўлими ходимлари ҳам зарбдор вахтада турибдилар. Кичик жамоанинг таъшишлари оз эмас (кейинги йилда хўжаликлар ҳисобидан маош олиб турган участка вакиллари 12 кишига камайтирилди), лекин ҳосилнинг нест-нобуд бўлмаслигини таъминлаш — улар ичида энг асосийсидир.

ИИБ бошлиғи ҳар куни йўл-йўриқ бериш кенгашларини ўтказида ва бир кеча-кундузлик ишга якун ясади. Ҳар бир хўжаликка ИИБ ходимлари

биркитилган, бундан ташқари бошлиқ ўринбосарлари назорат қиладилар. Вилоят ИИБ ходимлари, айниқса, ёгиндан сақлаш ва ДАН хизматлари томонидан ҳам жиддий ердам кўрсатилмоқда.

Ҳосил юқори суръатларда йиғиб-териб олинмоқда. Ташиш ҳажми кескин ошди, лекин вазият назорат қилиб турилибди. Мақола езилган кўнда ДАН ходимлари ташиш чоғида ҳосил нобуд бўлиши мумкин бўлган саккиз ҳодисанинг олдини олдилар, яъни пахта ҳосилини ташиётган техникалар усти шолча билан ёпилмаган, ёгиндан сақлаш ускуналари билан таъминланмаган эди. Кишиларни автотранспорт кузовида ташиш таъқиқланди. Айбдорлар жазоланди, хўжалик раҳбарларига эса езма баёнот топширилди.

Туманда ҳосилни талон-торож қилувчиларга, экинларга мол қўйиб юборишларга қарши қаттиқ чоралар кўрилмоқда. Чунончи, 1993 йилда бевоқиф хўжаликларда суднинг 26 сайер мажлиси ўтказилди, уларнинг яку-

ни ҳаммани ҳайратда қолдирди. Октябрнинг ўрталаридан бошлаб ҳосил нобудгарчилиги рўйхатга олинмади. Келтирилган зарарини қоплаш учун Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоси С. Ҳамроевдан 72 минг, шу хўжалик аъзоси О. Ҳайитовадан 67,5 минг сўм-купон ундириб олинди.

Мавсум бошидан бери умуман олганда туман бўйича экинзорларни пайхон қилиш ва майда ўғирликларнинг 19 факти аниқланди. Участка вакили, милиция катта лейтенанти И. Элмуродов уларнинг саккизтасини очди. Қондабузарлардан ўн саккиз нафарига давлат ёгини назорати ходимлари томонидан жарима солинди. Лекин ИИБ ходимларини пахта тозалаш заводи ҳовлисида ўтган йилги ҳосилдан қолган 100 тонна тола, 1086 тонна момик, 127 тонна ўлик пахта, 4100 тонна чигит сақланаётгани таъвишга солади. Ана шу масала бўйича вилоят ҳокимлигига, "Пахтаасаноатсотиш" бирлашмасига, республика Ёгиндан сақлаш бошқармасига езма баёнотлар юборилди.

Ички ишлар бўлими ходимлари ҳосилни нобудгарчиликлардан сақлаб қолиш учун қатъиян билан ҳаракат қилмоқдалар.

Н. СОКОВ,
Самарқанд вилоят ИИБ ЁСБ
бошлиғининг ўринбосари.

Суратда: ёгиндан сақлаш хизмати ходимлари пахта тозалаш заводларидан бирида.

ЎРИМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТЯПТИ

Барча жойлардагидек, бизнинг туманимиз далаларида ҳам галла ўрими давом этапти. Ҳозир галлакорларимиз зиммасига катта масъулият юкланган. Чунки мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, донни нест-нобуд қилмасдан ОНА Ватанимиз омборларига етказиб бериш кўп жиҳатдан шулар маҳоратида боғлиқдир.

Ғаллани етиштириш қанчалик муҳим бўлса, уни турли табиий офатлардан, жумладан, ёгиндан сақлаш ҳам шунчалик муҳимдир.

Озгина эътиборсизлик ёки масъулиятсизлик ҳунук оқибатларга — яъни пешона тери билан етиштирилган ғалланинг ёниб қўлга айланишига олиб келиши мумкин.


Ўрим-йиғим мавсумининг соз ва намунали ўтиши учун барча хўжалик раҳбарлари ёгиндан сақлаш борасида катта ишларни амалга ошираётлар. Бунда, албатта, Давлат ёгини назорати ходимларининг хизмати катта бўлаётти.

Ўрим-йиғим бошлангунга қадар жамоа хўжаликларидидаги барча транспорт воситалари, ўриш техникалари, галла омборлари, қуриш майдонлари махсус комиссиялар иштирокида текширилиб, аниқланган камчиликлар ўрим бошлангунча бартараф этилди. Қўриқдан ўтмаган ўриш ва ташиш техникаларини галла майдонларига киритиш қатъиян ман этилди. Ўримда қатнашадиган барча транспорт воситалари махсус ўт ўчиргич асбоблари — белкурак, челак, 1,5х1,5 метрли кигиз ва учкун ўчиргичлар билан таъминланди. Ҳар бир ҳайдовчи ва ишчилар эса ёгин хавфсизлиги қондаларини пухта ўргандилар. Бунинг учун улар ёгин хавфсизлиги қондалари билан алоҳида танишдилар.

Маълумки, ўрим даврида далаларда мавсумий дала шийпонлари қурилади. Бу шийпонлар ва овқат пиширадиган хоналарни галлазорлардан 50-100 метр олисга қуриш қатъиян ўқтирилди: бундай жойлар қуруқ ҳашаклардан тозаланган ва атрофида бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланди.

Дам олиш пайтида комбайнларни дала ўртасида қолдириш ман этилди. Комбайнлар галлазорлардан 30 метр четга олиб чиқилиб, хас-ҳашаклардан тозаланди ва назорат қилиб турилди. Шуларга қўра, бу йилги галла ўрими кўнгилдагидек ўтятипти. Бунда давлат ёгини назорати ходимлари яқиндан кўмак бераётгани бизни қувонтиради.

Н. КАРИМОВ,
Бекобод тумани ИИБ ДЭНБ назоратчиси,
ички хизмат катта лейтенанти.



ЯНГИ МАРҒИЛОНДАГИ ЯХШИ ИШЛАР

ЯНГИ Марғилон шаҳарчаси Марғилон шаҳри таркибига бўлиб, бу ерда 45 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарчада умумий майдоннинг катталиги, аҳолининг кўпчилигини ҳисобга олиб, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ-тарғибот ва қонунчиликни мустақамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 1989 йилда милиция бўлини ташкил қилинди. Марғилон шаҳар ИИБ таркибига бу бўлинма 24 нафар шахсий таркиби билан шаҳарчадаги оқошчиликни таъминлаш борасида намунали фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда бўлинмага милиция капитани Абдусаттор Нурматов раҳбарлик қилаётти.

Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шаҳарчада 64 та кам — 87 та жиноят қайд қилинди. Жиноят-қидирув соҳаси бўйича ўтган йили 141 жиноят аниқланган бўлса, бу йил саккиз ой давомида 70 та жиноят қайд қилинди. Еки ўтган йилнинг шу даврида 15 та жиноят очилмай қолган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич бештани ташкил қилади.

Кўриб турганимиздек, ўтган бир йил давомида жиноятчилик деярли тенг ярмига камайган. Бу эса бўлинма ходимларининг тинимсиз ҳаракат қилиб, ўз вазифаларини сидқидилдан бажарётганликлари кўрсатиб турибди.

— Шаҳарчада кўп миллатли аҳоли истиқомат қилади, — дейди Янги Марғилон шаҳарчаси милиция бўлинмасининг бошлиғи, милиция капитани Абдусаттор Нурматов. — Уларнинг бир-бирлари билан ўзаро ҳамжиҳатликда яшашлари, тинч ва оқошчи ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун бўлинмамиз ходимлари қатор тадбирларни ўтказишмоқда. Жумладан, шаҳарча ҳудудидаги барча ташкилот ва муассаса, мактабларда жиноятчиликнинг олдини олиш, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги каби мавзуларда суҳбатлар уюштирилиб турибди. Ўтказилаётган профилактик тадбирларимиз ўзининг ижобий натижаларини бераётти. Йилнинг шу давригача ўтган йилга қараганда жиноятчилик бизнинг ҳудудимизда қарийб 50 фоизга қисқарди. Бу борада жиноят-қидирув хизмати тезкор вакили, милиция капитани Эркинжон Йўлдошев, участка вакили, милиция лейтенанти Муроджон Холбеков, жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари — милиция катта сержанти Аминжон Нейматов, милиция сержанти Гуломжон Ғозиев сингари ходимларимизнинг фидокорона фаолият кўрсатаётганликлари айтиш керак.

Яқинда шаҳарча аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Милиция бўлинмаси таркибига паспорт столи ташкил қилинди. Авваллари аҳоли рўйхатдан ўтиш еки рўйхатдан чиқиш учун Марғилон шаҳрининг марказига қатнаш эди. Энди бундай қийинчиликка барҳам берилди.

Марғилон шаҳар ИИБ таркибига Янги Марғилон шаҳарчаси милиция бўлинмаси вилоятда ҳам, шаҳар ва шаҳарчада ҳам ўзига хос нуфузга эга. Мана шу нуфузга сақлаб қолиш, халқимиз олдидаги бурчларини виждонан адо этиш борасида ҳар бир ички ишлар ходими изланиб, интилоқда. Биз уларга сермашаққат ишларида янги зафарлар тилаб қоламиз.

ОМОНЗОДА.
“Постда” мухбири.

“Ичкилик одамни қотил ва айлантиради!”

Калёб КОЛТОН, инглиз олими, очиги, “ичкилик — огу, барча иллатларнинг асоси” деган ва шунга ўхшаш ичкилик борасидаги талқинлар жуда кўп. Инкор ҳам этмаймизки, буларнинг барчаси ҳақ гаплар. Аммо ҳозирги пайтда насихатлар кўпинча ўз нишонига тегмай қолаётти. Зеро, ибрат олиш учун ҳаёт мактабидан-да ўткирроқ даргоҳ йўқ.

Дарҳақиқат, кўплаб жиноий ишларни кўриш жараёнида айбдорлар ичкилик ичиб, маст ҳолда “билмасдан жиноят содир этганликлари” айтадилар. Куйида биз қисқача ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа тафсилоти — қотиллик ҳам айни “озгина-озгина”дан бошланган.

Александр Ткач асли молдовалик. Муқаддам уч бора судланган. На иш, на яшаш жойининг тайини бўлган. Деҳқонча айтганда — гирт дайди. (Бундайларни қисқача БОМЖ дейдилар). Унинг “рафикаси” (на никоҳ, на расмий қайддан ўтишган) Галина эса Красноярск ўлкасидан 1980 йили

Ўзбекистонга “бахт-яна вино келтиришга қидириб” келган. У ҳам Ткач каби дайдилардан. Улар ёлланма иш жойида 1991 йили ёз фаслида топшишган. “Эр-хотин”нинг ҳамтовоғи (эндиликда марҳум) Александр (қотилнинг отдоши), лақаби “Чечен”. Қотил ва марҳум бир вақтлар жазо муддатини

“Чечен”нинг ҳамтовоғи (эндиликда марҳум) Александр (қотилнинг отдоши), лақаби “Чечен”. Қотил ва марҳум бир вақтлар жазо муддатини

экан. Ичкилик, мастлик панд бериб, йўлдаёқ Бектемир тумани ИИБ ходимлари уни “хушёрхона”га олиб кетадилар. Эрталаб эса... қамоққа!

Ёз вақтида дайдиларнинг асосий қисми ёлланма ишчи сифатида шаҳардан четга чиқиб кетишлари маълум. Аммо кишики мавсумда кўпқаватли уйларнинг ертўллари, иситиш қувурлари ўтган лаҳмлар бетайин дайдиларга тўлади. Айтиш мумкинки, дайдиларнинг асосий қисми собиқ жиноятчилар, ичкиликка муккасидан кетган, жиноятга мойил кимсалардир. Шунингдек, юқумли касалликлар, сўзак ва захм каби таносил касалликлари ҳам асосан айнан шундайлар “шарофати” билан тезроқ тарқалади.

Бизнингча, бу борада жуда кескин ва муросасиз бўлмоқ, тезкор тадбирлар белгиланмоқ чоғи келди.

Мухайе САИДОВА,
ТошДУ сиртки бўлим талабаси.
Изоҳ: ушбуни ёзишда Тошкент шаҳар Мировод тумани прокуратураси томонидан кўзгатишган ва туман халқ судида кўриб чиқилган жиноий иш материалларидан фойдаланилди.

ДАЙДИЛИКНИНГ ОКИБАТИ МАЪЛУМ...

бирга ўташган.

“Эр-хотин” дайдилар ёзги иш мавсумини тугатиб, кузнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Қўйлик даҳасидаги ижара уйларига қайтиб келишади. Бўш вақтларида “Чучу-варахона”лардан бирида сочилган “ризқ-насиба”ларини териб, кун кўрадилар. Кундуз соат тўртларда “Чечен” келади. Чучуарахона эпигач, уч улфат бирлашадилар. Пулни “Чечен” беради. Ткач эса вино ташийдди. Кўп ўтмай, улар ўзаро уришиб қоладилар. Бир оз вақт ўтиб, муросага келадилар. Ткач

хумордан чиқади. “Чечен” калтак зарбига дош беролмай, воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. Кейин Ткач “хотини”дан болта сўрайди. Болта бўлмаса-да, пичоқ топилади. Ткач унинг бошини кесиб олиб, печкага ташлайди. “Хотини” эса ўт қалаб, “калла пиширади”. Шу вақт кўшни идоралардан бирининг қоровули келиб қолади. Қотил кийим-бошини янгиллаб, дарвозадан ошиб қочади (ҳа, номард, “хотининг” учун одам ўлдирдинг-ку, нега энди уни бошсиз тана олдига қолдириб қочасан).

Бир омад кетса, кийин



Суратда: Қашқадарё вилоят Ғузор тумани ИИБ тергов бўлинмасининг бошлиғи, милиция капитани Ю. Ҳасанов жабрийданининг кўрсатмаларини ёзиб олмоқда. У 1986 йилда ТошДУнинг юридик куллитетини тугатган, ўз ишнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштириб олди.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

КУТУРГАН ИТ

... ЭНДИГИНА кўзи илинган она кўксига тушган ногаҳоний зарбадан ёмон тўлғонди. То ўзини ўнглаб, нима гаплигини англагунча қайта-қайта тепки остида қолди. Она жон ҳолатда “ҳой, ким бор?” дея қичқирди-ю, унга зулм ўтказётган ногаҳоний юзига кўзи тушди, бир дам оғриқни унутганча тош қотди. Ва шу бўйи беҳуш йиқилди. Уни тўққиз ой юраги остида асраб-авайлаб кўтариб юрган, оқ сут бериб ўстирган, бўйи-бастига қараб қувонган ўғли аёвсиз тепкилаётганди! Сут кўр қилгур модаркуш узоқ йиллардан бери ўрин-кўрпадан туролмай, хасталикка банди бўлган онанинг ўша ўзи сут эмган кўксига лоқал қўл билан эмас, оёқ билан зарб урарди!..

Тарс-турс тўполондан кўшни хонада ухлаб ётган кичик ўғлининг хотини Қимматхон уйғониб кетди. Югура қайнонаси ётоғига кирган келин қайноғасининг зулмини кўриб, додлаганча унинг кўлига епишди. Кутурган ўғил энди янғасини қийноқ забтига олди. Қўлидаги пичоғини оттанди, у Қимматхоннинг оёғини яралади. Келин жон аччиғида ташқарига отилди ва биринчи дуч келган кўшниникига қириб, жон сақлади...

Қонсирарган қайноға эса Қимматхонни кўздан йўқотгач, яна қайтиб онасига епишди: соҳидан тортиб сурғалади, тепди, тепди, сурғалади. Воқеа устига ногоҳ келиб қолган кўшни йигит унинг қўлларига уриб, пичоғини тортиб олди ва дуч келган томонга қараб улоқтирди, етиб келган ички ишлар ходимларига итфел ўғлини топишди.

Аммо беаёв калтаклашлар ўз ишینی қилиб бўлган эди. Онаизор умид билан фарзандининг қўлларидан иккита иссиқ нон эмас, бир пиела қайноқ чой эмас еки бир оғиз ширин сўз эмас, ажал олди: тонгги соат тўртларда жони узилди...

Бу ўйлаб чиқарилган ҳикоя эмас. Наманган вилояти Норин туманининг Хўжабод қишлоқ кенгашига қарашли Полвонқўл қишлоғида шу йилнинг 10 февралда бўлган воқеа. Тўрт боланинг отаси, 39 ёшли Шамсиддин Раҳимов ўз туққан онасини ана шу тарзда ўлдирди. Суд-тиббий экспертизанинг хулосасига кўра она — Фотима Давронова кўкрак қисмидаги бешта қовурғасининг синиши, жигарининг эзилиши, кўплаб ташқи тан жароҳатлари оқибатида ҳалок бўлган. Тергов вақтида Ш. Раҳимов ҳамма айбни ичкиликка ағдарди. “Маст эдим, нима қилганимни, онамни нима учун урганимни билмайман, қилган ишимдан пушаймонман!” ва ҳоказо... Лекин Наманган вилоятининг Қомилла опа Абдувалнева бошчилигидаги одил суд ҳайъати воқеани чуқур ўрганиб, қонун талабларига асосланган ҳолда фарзанд дея аташга ҳам арзимайдиган бу кўрнамақини олий жазога ҳукм қилди. Чунки ўз онасининг қадрини билмаган фарзанд эл-юрт, она Ватан қадрини ҳам билмаслиги тайин.

Иқболжон ХОЛМАТОВ,
Норин тумани прокуратурасининг катта ерданчиси,
III тонфал ҳуқуқшунос.
Шаҳзодадон ХУДОЙБЕРДИЕВА,
журналист.

ҲАЙИТБОЙ бойлик орттиришнинг осонроқ йўлини ўйлаб топди ва Хоразм вилоят, Хазорасп тумани ҳудудидаги “Қозоқ” бозорига ташриф бўюрди. Меҳмон бозорнинг одамлар билан бу

иложи бўлса, ўша нарсдан топишга кўмаклашсангиз? — Мен сенга ердан беролмайман, — чўрт кесди нотаини киши.

— Агар мендан шубҳаланаётган бўлсангиз,

машина ичкарасига таклиф қилиб, келтирган товарини унга берди. Меҳмон сумкасидаги ноёб молни бир неча бор хидлаб кўрди-да, келишилган пулни сотувчига тутқазди.

ўзига тортди. Нозирга туркман йигитининг бу хатти-ҳаракати, қўлидаги сунъий матодан тикилган енгилгина сумкаси шубҳали туюлди. У дарҳол Ҳайитбойнинг изига тушди ва 15-вагонга чиқиб олди. Йўловчи йигит у ерда ҳам ўзини тутолмасдан у ёқ, бу ёққа юрганича қулайроқ жой изларди. Милиция катта лейтенанти Баҳром Боғбеков унинг бошқа вагонга ўтиб кўздан қойиб бўлиши мумкинлигини сезиб, дарҳол Ҳайитбойни қўлга олди. Шубҳали туюлган бу йигитнинг сумкаси очиб қаралганда унинг ичида 1,5 килограмм наша борлиги аниқланди.

Туркменистон Республикасининг Тошхонвуз шаҳридаги К. Маркс кўчасида яшовчи бу кимсанинг касби уста-дуррадорлардан бўлиб, кейинги пайтда ҳалол меҳнати эвазига топган пулига қониқмасдан қолган. Натижада эса “бизнес” билан шуғулланмоқчи бўлиб “Қозоқ” бозорига келган. Хуллас, осонликча бойлик орттирмоқчи бўлган Ҳайитбой Сапоевнинг ушбу режаси пучга чиқди. Хазорасп туман халқ суди эндигина 28 ёшга қадам қўйган бу нашафуруш дуррадорни 2 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
“Постда” мухбири.

ЖИНОЯТЧИ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ РЕЖАСИ ПУЧГА ЧИКДИ

қадар гавжум бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. У бозорни обдон айланиб чиқди. Аммо ўзи учун зарур бўлган нарсани тополмади. “Наҳотки, куруқ қайтсам — ўзича ўйлади Ҳайитбой бозор чеккасидаги тол соясида нафасини ростларкан. — Бирор кишидан сўрасам қандай бўларкан? Милицияга тутиб беришса-я! Йўқ, яхшиси, бозорни бирозгина айланганим маъқул. Балки мен излаётган сотувчи учраб қолар!”

Ҳайитбой яна гавжум бозорни оралаб чиқди. Охири бўлмагач, сал чеккароқда анчадан буён сикарет тутатаётган кишига сўз қотди:

— Мен унақа нарса билан савдо қилмайман, — деди у Ҳайитбойдан шубҳаланиб.

— Тошхонвуздан кел-гандим. Бу ерда ҳеч кимни танимайман. Илтимос сиздан,

ҳужжатларимни кўрсатишим мумкин, — деди Ҳайитбой ва чўнтагидан паспортини олиб, унга узатди.

— Ишонинг, сиз сўраётган нарса менда йўқ, лекин бирор танишимдан сўраб кўришим мумкин.

Орадан кўп ўтмасдан бояги киши харидор йигитни бозор айланиб юрган бир танишига рўбару қилди. У эса Ҳайитбойнинг ҳожатини чиқаражагини, соат ўн тўртларда вокзал ёнидаги тутзор олдида кутишини айтди. Туркменистонлик меҳмон излаётган моли топилаганидан севиноб, сотувчини сабрсизлик билан кута бошлади. Келишилган вақтга 25 дақиқа қолганда тутзор ёнига белгисиз “Москвич” энгил автомашинаси келиб тўхтади.

— Ичкилик одамни қотил ва айлантиради!”

Ҳайитбой кун бўйи излаётган нарсанини топганидан хурсанд бўлиб, вокзалдан чеккароқда поезднинг келишини кута бошлади. Соат ўн олтидан ўтганда вокзалга 53-сонли Тошкент — Нукус поезди келиб тўхтади.

Уста “тижоратчи” милиция бўлинмасидагилар шубҳаланиб қолмаслиги учун поездга чиқишга шайланмасдан унинг жўнашини кутди. Орадан 7-8 дақиқа ўтгач, у вокзал атрофига синчков назар ташлаб олди-да, поездга югурди. Бевозталанича чапаётган йўловчи Республика ИИБ нақлиёт Ички ишлар бошқармаси Урганч бўлимига қарашли Хазорасп бўлинмасининг жамоат тартибини сақлаш нозир, милиция катта лейтенанти Баҳром Боғбеков эътиборини

ХОЗИРДА ўлкамизда олтин куз. Айни амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, келгусидида режаларни белгилаб оладиган пайт. Шу боисдан биз бугун қилинган ишлар, келгуси режалар ҳақида бироз тўхталмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, унинг жойлардаги идоралари, бошқа бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда

чораларини кўрдилар.

Ҳар бир оромгоҳга ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ходимлари бириктирилди. Ушбу тадбирни ўтказишда тарбияси оғир ўсмирларнинг ёзги дам олишини уюштиришга алоҳида эътибор берилди. Моддий таъминотдан қийналиб қолган оилалар фарзандларига жойларда корхона ва ташкилотлар томонидан бепул йўлланмалар ажратиш

Авваломбор, юқорида кўрсатилган ташкилотларнинг бу ташаббуси Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, алоҳида қарор билан лагернинг моддий таъминоти учун маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағ ажратилганини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Шу таклифга кўра, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги тоғлиқ ҳудудда жойлашган ўрмон хўжалигидан жой ажратиб берди.

Мудофаа вазирлиги лагерни палаткалар, транспорт воситалари ва бошқа танжомлар билан таъминлаш масаласида катта ердан берди. Ўз навбатида пойтахт Ички ишлар бош бошқармаси, Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси тарбияси оғир ўсмирларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказиб, уларнинг фарзандларини лагерга бепул жалб қилиш ишларини амалга оширдилар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, лагернинг раҳбарлари, хизматчилари вазифасини Тошкент шаҳар туманлари ИИБ ВЕИН ходимлари ўз меҳнат таътиллари ҳисобидан бажардилар. Ўйлаيمизки, республикамизнинг бошқа вилоят ҳокимликлари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари бу муҳим масалага жиддий эътибор берадилар ва келаси йил шундай ҳарбий-спорт лагерларини ташкил этиш чораларини кўрадилар.

Шуниси диққатга сазоворки, лагерларда дам олган болалар томонидан биронта қонунбузарликка йўл қўйилмади. Уларнинг ҳуқуқий билим савиялари ҳам бирмунча оширилди.

Умуман, бу йил Тошкент вилоятида жойлашган оромгоҳларда 87.860 нафардан зиёд ёшлар дам олиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлаб, ота-оналари бағрига қайтдилар. Улардан 950 нафари Қорақалпоғистондан, 980 таси Хоразмдан келган вояга

етмаганлардир. Шаҳар ва туманлардаги мактабларда ташкил этилган дам олиш масканларида эса 13 мингдан ортиқ ёшлар ҳордиқ чиқаришди.

Ўз мавсумида республика ички ишлар идоралари ҳисобида турган 5.600 ўсмир соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилди. Мавсум давомида ўқимайдиган, ишламайдиган 1128 нафар ўспирин аниқланиб, улардан 384 нафари ишга жойлаштирилди, 175 таси эса, ўқишга қайтишга қарор қилди.

“Ғамхўрлик” тадбирини ўтказиш жараёнида ички ишлар идоралари томонидан аниқланиб, ҳисобга олинган тартиббузар ўсмирларнинг аксарият қисмига жамоатчи тарбиячилар, мураббийлар бириктириб қўйилди. Тадбир пайтида ўсмирларни қонунбузарликларга жалб қилган 56 нафар шахс аниқланиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Ўтказилган “Ғамхўрлик” ва бошқа қатор чора-тадбирлар натижасида республикада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сонининг 14 фоизга камайишига ва ушбу масалада вазиятни сезиларли даражада барқарорлаштиришга эришилди. Шу билан бирга қатор ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Агар 1993 йилда вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ҳисобида турувчи ўсмирлардан 40 фоизи ёзги мавсумда уюшган ҳолда дам олган бўлса, бу йил 30 фоизи дам олиш масканларида бўлишди.

Бу йилги мавсумда кўпгина вилоятларда юқори синф ўқувчиларини меҳнат ва дам олиш оромгоҳларига юбориш масаласига яхши эътибор берилмади.

Ички ишлар идоралари ҳисобида турган ўсмирларни талабалар қурилиш отрядларига

жалб этиш масалаларида ҳам фаоллик сезилмади. Ўтган йили шундай отрядлар таркибида 143 нафар ўспирин меҳнат қилган бўлса, бу йилги мавсумда Фарғона, Наманган ва Навоий вилоятларидан бор-йўғи 91 та ўсмир жалб этилди.

Ўрни келганда айтиш кераки, жойларда ўсмирларни ишга жойлаштириш кундан-кунга қийинлашиб бораёпти. Уларни фойдали меҳнатга жалб қилишда вилоятлардаги шаҳар, туман ҳудудларида ташкил этилган меҳнат биржалари ва ҳокимликлардаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар и м к о н и я т л а р и д а н фойдаланилмаяпти. Тарбияси оғир ўсмирлар учун ёзги дам олиш оромгоҳларига ташкилотлардан бепул йўлланмалар ундириб беришда мана шу мен юқорида эслатиб ўтган комиссиялар ташаббус кўрсатмаяптилар. Бунга Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Бандихон, Термиз туманлари ҳокимликларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Улар ички ишлар идоралари ҳисобида турган ва бепул йўлланмага муҳтож бўлган 88 ўспириндан бирортасининг эҳтиёжини қондиргани йўқ.

Хулоса қилиб, шунинг айтмоқчиманки, келаси йилги ёзги тадбирларни ўтказишга март-апрель ойларида бошлаб тайёргарлик кўришимиз керак. Чунки жорий йилда тайёргарликни май-июнь ойларида бошлаб озроқ кеч қолдик. Бу масалани қанчалик ҳамжиҳатлик билан, ўз вақтида ҳал қилиш йўллари аниқлаб олиб иш тўтасак, ушбу тадбир юқори сатҳда ўтказилишига имоним комил.

Ҳожинакбар АҲМЕДОВ,
Республика Ички ишлар вазирлиги Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги.

"ҒАМХЎРЛИК" АМАЛДА БЎЛСА

болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олишларини кўнгилдагидек ташкиллаштириш бўйича йил бошидан тер тўкиб, қатор ташкилий ва амалий ишларни амалга оширдилар.

Май ойидан бошлаб режалаштирилган “Ғамхўрлик” тадбирини ўтказиш учун барча вилоят, шаҳар ва туманлар ИИБларида алоҳида штаблар тузилди. Ўсмирларни оммавий дам олиш оромгоҳларига олиб борадиган йўлларнинг аҳоли давлат автомобиль назорати ходимлари, йўл, транспорт, коммунал хўжаликлари, тегишли жамоат ташкилотлари билан биргаликда атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўз навбатида ёнғиндан сақлаш ходимлари ҳам спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида бўлиб, иншоотларни ёнғиндан сақлашнинг аҳоли билан танишиб, аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш

ташкиллаштирилди. Шу ўринда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари амалга оширган саховатли ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Республика Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитаси ташаббуси билан Бўстонлиқ туманида милиция назоратида турган тарбияси оғир болалар учун ҳарбий-спорт лагери ташкил этилди. Ёзги мавсумда бу лагерда 400 нафарга яқин ўсмир дам олиб қайтди.

Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчилик шароитида бундай лагерь қандай қилиб ташкил этилди экан, деган савол туғилиши табиий. Шу сабабли бу лагерни ташкиллаштириш тўғрисида қисқача ахборот бермоқчиман. Жон куйдириб ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилинса, имконият топса бўлар экан.

ИЧКИЛИК - ФАЛОКАТГА БИР ҚАДАМДИР

“ИЧКИЛИК — ОҒУ”, “Ичкилик — ўтмиш сарқити, иллат” дейди доно халқимиз. Бу жуда тўғри айтилган, ҳаётий далиллар билан асосланган фикрлар.

Ичкиликнинг зарарли оқибатлари, унинг инсон соғлиғига нақадар хавф туғдириши, бундан ташқари унинг турли фалокатлар олиб келиши тўғрисида матбуотда, телевидениеда, радиода кўп ва фойдали гаплар айтилаётгани.

Бу ҳақда “Постда” саҳифаларида ҳам мунтазам мақолалар бериб борилаётгани нур устига нурдир.

Бирок шунга қарамай бугунги кунда айрим вилоят, шаҳар, туман милиция бўлимлари ва жамоатчилик ташкилотлари бу соҳага етарлича эътибор бермаётирлар. Шу боис жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида Республикадаги тиббий хўшёрхоналарга 67327 шахс маст ҳолда олиб келиб жойлаштирилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 фоизга кўпдир.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти сўнги йилларда ичкиликбозлик ва алкоғолизмга қарши кураш ишларига талаб даражасида эътибор бермаганликлари туфайли маст ҳолда жиноятлар содир этиш бу минтақада 40,8 фоизга ошиб кетди.

Устига устак вилоятда ягона бўлган Урганч шаҳар тиббий хўшёрхонаси айрим сабабларга кўра шу йилнинг апрель ойида епиб қўйилди.

Сурхондарё вилоятида ҳам ички-

ликбозликка қарши кураш ишларини яхши деб бўлмади. Вилоятдаги ягона — Термиз шаҳар тиббий хўшёрхонаси учун наркологик касалхонада атиги 2 та хона ажратилган. Бу ерда сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилувчиларга қарши кураш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ҳам етмагандай навбатчи ҳамширалар, фаррошлар штатлари қисқартирилган. Тиббий хўшёрхонанинг тозалик ҳолати умуман шу куннинг талабига жавоб бермайди. Йил мобайнида вилоят ИИБ томонидан бу тиббий хўшёрхонага бирон бир амалий ердан кўрсатилмаган. Натижада вилоятда маст ҳолда жиноят содир этиш ҳоллари 2,5 баробарга ошиб кетди.

Бухоро вилоятида шу йилнинг 8 ойи мобайнида маст ҳолатда жиноят содир этиш 8,2 фоизга, Навоий вилоятида 23,6 фоизга, Қашқадарё вилоятида 41,2 фоизга ошиб кетди.

Яқинда бир қатор вилоятларда ичкиликбозлик ва алкоғолизмга қарши кураш ишлари таҳлил этилди. Натижада аниқланган камчиликларни бартараф этиш ишларига айрим жойлардаги ҳокимият раҳбарлари томонидан кўнгилдагидек эътибор берилмаётгани аниқланди.

Фикримизнинг исботи учун мисолларга мурожаат этамиз. Тиббий хўшёрхоналарга ажратилган махсус автонақлиётларнинг асосий қисми аллақачон ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган, тиббий

хизмат кўрсатиш учун етарли равишда дори-дармонлар билан таъминланмаган, бинолар қишқи мавсумга тайёр эмас, уларнинг кўпчилиги зудлик билан таъмирланишни талаб этади.

Баҳона эмас, имконият қидираётган, ишнинг кўзини билган бошқа бир вилоят ИИБ раҳбарлари бу масалага алоҳида эътибор бермоқдалар. Буларга Фарғона, Қувасой, Марғилон ҳамда Қўқон шаҳарлари тиббий хўшёрхоналари ходимларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ичкиликбозлик, алкоғолизмга қарши курашда участка инспекторлари, тиббий хўшёрхоналар патруль-пост хизмати ходимлари жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Натижада Тошкент шаҳар, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари бу соҳада бир қатор ижобий натижаларга эришдилар.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошидаги, корхона ва ташкилотлар ҳузуридаги “Ички-

ликбозлик ва алкоғолизмга қарши кураш комиссиялари” ҳам ўз хизмат фаолиятларини тубдан ўзгартиришлари зарур. Улар тиббий хўшёрхоналар ва кенг жамоатчилик иштирокида ичкиликбозликка муккасидан кетган шахсларга нисбатан курашни муросасиз олиб боришлари керак. Кўпчилик ҳолларда корхона, ташкилот ва ўқув юртлари раҳбарлари ўз қўл остидаги ишчи ва талабалар билан ичкиликбозликка қарши кураш ишларини тиббий хўшёрхоналар хабарларидан кейингина олиб бормоқдалар.

Ичкиликбозликка қарши кураш ҳар бир раҳбарнинг доимий иши бўлмоғи керак. Шуниси

ачинарлики, кўпчилик ҳолларда жамоалар томонидан енгил-елпи жазо чоралари қўлланилганлиги тўғрисида жавоб хати олинмоқда.

Ичкиликбозлик ва алкоғолизмга қарши кураш фақат милиция ходимларининг иши деб ўйламасдан, балки кенг жамоатчилик, жумладан, маҳалла фаоллари, соғлиқни сақлаш ходимлари, ташкилот, корхона раҳбарлари унга қарши муросасиз кураш олиб боришлари шарт.

Ҳозирги кунда асосий масалаларимиздан бири — ичкиликбозлик йўлига кирган ўсмир ва ешларни тезроқ тўғри йўлга солишдан иборат бўлмоғи зарур. Акс ҳолда улар бир умрга халқимизга умуман фойда келтирмайдиган, кераксиз шахсларга айланиб қолиши мумкин.

Қодиржон МУҲАММАДЖОНОВ,
милиция майори.



Муҳарририятга мактублар

ФАЛОКАТНИ АРИТАЁТГАНЛАРГА ТАЪЗИМ!

ШУ ЙИЛНИНГ 3 сентябрь кун ишдан келсам, икки ярим ёшли ўғилчам Аминжоннинг йўқлиги қолганлигини айтиб қолишди. Нима қилишимни билмай, икки-уч соат кўча-кўйларда изгиб, боламни кидирдим. Ҳеч топа олмагач, 12-милиция бўлимасига мурожаат қилдим.

Бўлима бошлиғи, милиция майори Мардон Примкулов ва навбатчи, милиция майори Шаркин Саъдуллаевлар дарҳол барча шаҳар милиция бўлиmalarига хабар беришиб, ўзлари ҳам 3-4 милиция ходимлари

билан боламни излашга киришдилар. Орадан кўп вақт ўтмади. Ўғлимни милиция старшинаси Малик Пулатов кўтариб кириб келиб қолди. Уша пайтдаги қувончимни бошдан ўтказган билди, албатта.

Мен бошга тушган фалокатни аритувчи шундай фидойи инсонларга минг бора таъзим қиламан. Сизлардан илтимос, миннатдорчилигимни газетангиз орқали етказсангиз.

Зиёда ХЎЖАЕВА,
Самарқанд шаҳар, Бухоро кўчаси, 103-уй.

МИЛИЦИЯНИНГ ИШИ ҚАНАҚА?

Тўғриси тан олишим керак, мен ҳар сафар шу ва шунга ўхшаш саволларга дуч келганимда доим бир хил фикр билдирардим, яъни милициянинг иши жиноятчини тутиш ва уни жазолаш. Янглишган эканман.

Бизнинг қишлоғимизга шу йилнинг март ойида Ойим шаҳарчаси милиция бўлимасига ички хизмат подполковниги Муродил Сулаймонов бошлиқ бўлиб келди. Унинг халқ дилдан жой олган кунин Наврўз байрамимиз кунлари бўлди десам адашмайман. Чунки худди шу кунлари М. Сулаймонов халқ орасида бўлди, ўзини таништириб, чин дилдан суҳбатлашди. Кейин жиноят йўлига кирганларнинг оила аъзолари билан мулоқотда бўлди. Ёшлар билан диллашди. Хуллас, ўзи ҳақида жудаям илқ фикр қолдирди.

Орадан кўп ўтмай, ишонасизми-йўқми,

ОҚ ХАЛАТЛИ ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИБ госпиталида даволанган ёки ўз саломатлигини мустақамлаган кишилар ана шу ажойиб шифохонадан албатта гоёта ёрқин хотиралар, миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан қайтишларига ишончим комил.

Менга, армия ва ИИБ қўшинларида чорак асрдан кўпроқ муддат хизмат қилган собиқ жангчи ҳам яқинда ана шу госпиталда даволанишга тўғри келди. Салкам бир ой шу ерда даволаниш даврида кўрган-кузатганларим, бошқа беморлардан эшитганларим натижасида шундай хулосага келдим — госпиталнинг жамоаси аниқ-пухта ва бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда, бу ерда меҳнат интизоми ва ҳар бир кишининг топирилган иш учун масъулият-сезиши жуда юқори даражада экан. Оқ халат кийган кишилар куну тун, тиним билмай беморлар, айниқса бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилаётган кишилар соғлиғи тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар.

Бу борада, масалан, даволловчи терапевт врачлар — терапевтика бўлими бошлиғи Ирина Алексеевна Хадова, Любовь Васильевна Кимаева мақтовга сазовор ишлар қилишмоқда. Улар иш кўзини пухта билишлари, жисмоний ва руҳий беморлик сирларини оча билиш, уларни тезда даволаш маҳоратлари билан ажралиб турадилар. Ҳар бир беморга нисбатан самимий диққат-этибор, илқ меҳрибонлик далдаси, табассум билан мурожаат қилишлари беморлар дарадига малҳам бўлмоқда.

Тиббий ҳамширалар Зоя Николаевна Милькаева, Лариса Дмитриевна Ким, Светлана Крушельницкая ва ёшгина ҳамшира Виктория

Милковская ўз касбларини ардоқламоқдалар. Улар белгиланган муолажани ўз вақтида қиладилар. Ҳалол, виждонан ишлашлари, маҳоратли эканликлари учун ана шу ҳамширалардан беморлар миннатдор бўлиб ташаккур билдирмоқдалар.

Госпиталь бошлиғи, подполковник М. Иброҳимов шифокорларнинг бошини бир ерга қовуштириб ишламоқда.

Унинг ҳўжаликка доир этиборчанлиги, ўз ходимлари ва аввало шифокорлар билан жонли мулоқоти, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиши шифохона фаолиятининг бир маромда боришига ёрдам бермоқда. Палаталар, лабораториялар, овқатланиладиган, шунингдек даволаш хоналари доимо озода. Госпиталь ҳовлиси ям-яшил, гуллар очилиб ётибди. Субҳидамда ҳаво ниҳоятда мусоффо бўлади.

Мустақиллик сиёсати, севимли Ватанимиз қувватини мустақамлаш сиёсатидан руҳланган госпиталь жамоаси фидокор шифокорларни эъзозламоқда, етакчи шифо масканларини янада яхшилаш, чинакам даволаш марказига айлантириш учун қатъий билан ишламоқда.

Ана шуларни кўрарканман, самимий дил сўзларини айтмасдан тура олмайман: гоёта меҳрибон, юксак маҳоратли, фидойи шифокорлар қўлида даволаниш улкан бахтдир. Улар чинакам илҳом соҳибларидир.

Оқ халатли шифокорлар — бизнинг халоскорларимиз, сизларга катта раҳмат! Доимо бахтиёр ва соғ бўлинглар!

В. КУКЛИН,
истеъфодаги майор.



ҲАҚ ЙЎЛИДА ИШҚ ЭХРОМИН КИЙДИ КЎНГИЛ

Ўроз ХАЙДАР. Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида туғилган. Вилоят ИИБ матбуот гуруҳининг катта нозир, милиция катта лейтенанти. Унинг "Қуёш ўтов", "Қуйловчи тошлар", "Мушиқор", "Қизалоқ ва қизғалдоқ" каби шеърый китоблари нашр этилган. Республика Адиблар ва Журналистлар уюшмаларининг аъзоси, вилоят Ёшлар иттифоқи мукофотининг совриндори, шаҳар кенгаши ноиб.

Ўроз Хайдар айни дамда жиноятчиликка қарши курашаётган фидойи милиция ходимлари ҳаёти ҳақида насрий асар устида ишляпти. Ажойиб табиатли инсон. Қисқаси, мактаса, мактагудек шоир ва милиция ходими. Шу кунгача шоирлиқни ҳам, милиционерлиқни ҳам ўрнига қўйиб, ишлаб келяпти. Мақтов одами бузади, дейишади. Лекин "икки курси"га ўтирган У. Хайдарни қанча мактасангиз ҳам "бузилмайди". Унинг бу феъллиги тан бериш керак. Биз куйида ҳамкасбимизнинг янги шеърларидан намуналар эълон қилаёмиз.

ЗЕРИКИШ

Мени ҳеч ким кутмас.
Ҳаво бунча дим.
Юлдузлар нуқсидан ер супрадай оқ.
Йўталгандай бўлар боғда аллакким,
Ўзича қўшиқ ҳам қуйлайди қувнок.

Мени ҳеч ким кутмас. Ой боқмас хушхўл,
Кутишдан зериккан сулувадай ўйчан.
Девор оша сокин кўчага бўйлар,
Ошиқ ўспириндай тераклар — бўйчан.

Мени ҳеч ким кутмас. Кутаман кимни?!
О, менинг юрмагим ҳаммага малол.
Уч кунми ё тўрт кун узлуксиз эсиб,
Ҳамманинг жонига теккандай шамол.

Мени ҳеч ким кутмас тўрт бўлиб кўзи,
Кутмаганим каби ҳеч кимни ўзим.

АНГЛАШ

Қачондир заминда яшагандайман
Аждод қайғусида бегоналик йўқ.
Янги соз деб тутма, ўша чўп — найман,
Олам жилвасини қуйлаб бўлдим чўп.

Мағлуб ким,
Ғолиб ким, ўтмиши? Ёлғон!
Тегирмонга тушган-у бир дон ҳолос.
Бугунми — ўзини ўзи чўкишдан
Базўр кутқазшига улгурган ғаввос.

Япроқларин юлди улкан чинорнинг
Шохларини кесди аёвсиз — таҳқир.
Неки хўрлик кўрди, кўргани сайин
Салобат тўкарди адл ва марғур.

Жамолинг шуъласидан куйди кўнғил,
Ҳақ йўлида ишқ эҳромин кийди кўнғил.

Шахло кўзинг оташхона, тутди ким ўт,
Жон гавҳарин жилвасидан ийди кўнғил.

Мисли умид саҳросида кўриб гулзор,
Гул атрининг фиғонини туйди кўнғил.

Қаён қочай, еруғлиқда енган шамман,
Ёмонларни билмам нечун суйди кўнғил.

Дил сувидан равшан тортса бало тоши,
Шодлик надир, барчасидан туйди кўнғил.

Ишқ нуридан ясаб минг дор, Ўроз вайрон,
Паноҳ топмай ул оллохга куйди кўнғил.

Юрагим туфдон билдинг, эй рафик, тупура
қол,
Ғамдин черк тузиб тирбирон айла, келмас
малол.

Нар арслон дарё қолиб, қўлмакни кечган
қачон?
Бир сенинг тупингидан қон тусин олмас
зилол.

Кўзимнинг туфроғидан ўсган ул меҳриғе,
Олам тошин фонус айлаб, фалакка тутмиш
хилол.

Ғафлат супрасида ким хамиринг қоридики,
Менда не айб, кўзасин синдириб ёнса кулол.

Туянинг товонидан қақшаса сарбон жони,
Йўл арқон эрмас асло, курса дор, топса завол.

Наргис қошида ҳаргиз фарёд тўнин киймағил,
Муҳаббатда ким жавоб топган, сўрибон савол.

Ўроз, рафик ўқидин, дилинг яра эрса бу кун,
Ишқ шамширин куйдириб бос, бўлмай увол.

АКА-УКА ХИЗМАТИ ҚИЛМОҚДА

Уларга қараркансиз, беихтиёр уруш даврида қуйланган қўшиқ сатрлари ҳаёлимизга келади: "Икки ўртоқ хизмат қилар эди бир полкда". Лекин улар бир полкда хизмат қиладиган икки ўртоқ эмас, балки Сариев туман ДАН бўлимасида ишлайдиган ака ва укадир. Ака — Турсунпўлат Самадов маъмурий амалиёт бўйича инспектор, милиция капитани. Ука — Баҳромхўжа Самадов йўл-патруль хизмати инспектори, милиция сержанти.

Армия хизматини ўтаб қайтган Турсунпўлат ички ишлар идораларида ишлай бошлади, ДАН инспектори бўлди. Кейинроқ ёш ходимни дастлабки тайёргарлик курсларига юбордилар. Курсларни муваффақият билан тугаллаган Турсунпўлатнинг тиришқоқлиги ва мулоҳазакорлиги, сергайратлиги туман милиция раҳбарияти этиборидан четда қолмади.

— Бу йигит албатта махсус маълумот олиши керак, — деб

уни ўқиш учун Тошкент милиция мактабига юбордилар. Бир неча йиллик қизгин таҳсил бўлгуси зобитни чиниктирди ва унга пухта назарий билим берди.

Милиция мактабини битириб келганида Турсунпўлат уни участка вакили этиб тайинлашларини илтимос қилди. Бу бежиз эмас эди. Зеро, унинг қалбидан Ўзун туман милициясида участка вакили бўлиб ишлаган отаси, милиция капитани Барат Самадовнинг васияти ўрин олган: "Менинг ишимни авлодимизда кимдир давом эттириши керак...".

Ўзунлик кўп кишилар ўз участка вакилларини яхши хотирлайдилар. Лекин унинг ҳаёти фожияли яқунланди. Уч нафар куролли бандит билан олишувда огир яраланди...

Орадан кўп вақт ўтди. Огир касалланган Т. Самадов ДАНга қайтди. Маъмурий амалиёт инспекторининг вазифаларини бажариш осон эмас. Бунда қонун ва йўриқномаларни пухта билиш-

гина кифоя қилмайди, кишиларга алоҳида ёндаша билиш ҳам керак. Зеро маъмурий баённома тузилладиган ҳар бир ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини шунчаки бузувчи эмас, уни жазолаш қийинлик тугдирмайди, бунинг устига қонунда ҳаммаси аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Ҳайдовчига тушунтириш, уни ишонтириш керак: йўл ҳаракати қоидаларини яна бузиш оила бюджетига зарар келтирибгина қолмай, балки жиддий оқибатларга, баъзан ўлимга олиб келишини унутмасин. Капитан Т. Самадов ҳамма билан: ёшлару кекса ҳайдовчилар билан осон тил топишади. Унинг ҳайдовчилар ва туман аҳолиси ўртасида обрўси катталигининг сабаби ҳам шунда.

Баҳромхўжа ҳам акасининг изидан борди. Унинг ишини бир неча соат давомида кузатарканман, йўл ҳаракати қоидаларини бузувчилардан бирортаси ҳам жазодан қутулиб қолмаслигига ишонч ҳосил

қилдим. Бу жазолар хилма-хил эди, бунда қоида бузишнинг қандайлиги ҳам, қоида бузувчининг шахси ҳам ҳисобга олинарди. Улар билан суҳбатлар жуда осойишта, ҳурмат билан ва айни вақтда талабчанлик руҳида ўтарди. Кўп милиция ходимлари бундан сабоқ олсалар арзийди.

Ака-уканинг рўзгорлари алоҳида. Лекин улар қариндош бўлганлари учунгина эмас, балки бир-бирларини эъзозлашлари, илиқ муносабатда бўлишлари билан ҳам ўзаро мустаҳкам

ришталар билан боғланганлар. Улар ўз фарзандларини ҳам ана шундай руҳда тарбияламоқдалар. Ишончим комилки, Турсунпўлат ёки Баҳромхўжанинг ўғилларидан бирортаси тез орада милиция формасини кияди, оталарининг ишини давом эттиради.

М. ТАТАРНИКОВ,
милиция подполковниги.
Суратда: ака-ука Самадовлар
(сурат 1994 йил августда
олинган).

Муаллиф олган сурат.



ЗАНДОРИ ЭКРАНДА

Душанба, 17

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ишимизда тартиб бўлади".
18.40 Мусикий дақиқалар.
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 "Самарқандда меъморлар байрами". "Ўзбектеlevision" махсулоти.
19.35 "Ёшлар ижоди". Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театри артисти Ойбек Тошпўлатов.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 Шукр Холмиров. "Қора қамар". Аббас Хидоят номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
22.25 "Ўзбекистон бастакорлари". Раҳматжон Турсунов.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ" студияси таништирилади:
18.30 "Бу бўстон аро...". Мусаввир Ф. Ахмадалиев.
19.00 "Саломатлик — туман бойлик".
19.30 "Дехқон ҳиммати".
20.00 "Сиз билан, Сизлар учун!".
21.00 — 22.05 "Ўрдак кўли воқеаси". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Ислохот оидмалари".
"ОМАД" таништирилади:
20.00 "Совга".
20.30 "4/8". Мусикий кўрсатув.
20.50 "Суперспорт". 1-кисм.
21.20 Ёлонлар.
21.25 Видео — "О".
23.00 Ёлонлар.
23.05 "Курьер".
23.15 "Об-хаво ҳақида".
23.25 — 23.35 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Лабиринт". Шарқ — Ғарб. Россиянинг олтин ва савдо йўли.
18.30 "СВ" жумбоғи.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. И. Ситин.

18.50 Янгилар.
19.00 Тигиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Агар...". Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 "Спорт уик-энди".
21.55 — 23.30 "Сизга эзгулик ва бахт тилаймиз, дўстлар!". Украина фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган санъат усталарининг концерти.

Сешанба, 18

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Эрта келган турналар". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.20 "Фаргона нафаси". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 Гитара тароналари.
12.30 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!".
13.00 — 15.00 "Синов даври". Телеканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.40 "Бозор иқтисоди сабоқлари".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Одобнома".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 Ўзбек куйларидан концерт.
21.40 "Шаҳар бедарвоза эмас...".
22.25 "Майсаранинг иши". Бадий фильм. 1-серия.
23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
18.30 "Мультикарусель".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
19.40 Видеоид.
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Санъат олами". Ўзбекистон халқ рассоми З. Иноғомов асарларининг кўргазмасида.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).
21.00 "Би-Би-Си" янгилар.
21.15 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". Ўзбекистонлик созандаларнинг Австрияга сафари ҳақида.

21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
22.10 "Безнен мирас" (татар тилида).
22.45 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.
23.00 — 23.30 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан". Туризмнинг ривожланиши ҳақида.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Ведь".
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.

18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. К. Орф.

18.50 Янгилар.
19.00 Тигиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 23.25 Галабининг 50 йиллигига. "Тирикларни қорлайман". Бадий фильм. "Ташналик" (Одесса киностудияси, 1959 й.).

Чоршанба, 19

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Қадрдон кирғоқлар". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
11.15 "Кулол Раим бобо". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 "Муҳаббатим куйлайман". Лирик концерт.
12.40 — 14.40 "Биз танлаган йўл". Телеканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильмлар.
18.25 "Буюк Ипак йўли" — ҳамкорлик, дўстлик ва тараққиёт йўли.
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевидион танлови.

22.00 "Майсаранинг иши". Бадий фильм. 2-серия.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ" студияси таништирилади:
18.30 Болалар студияси. "Ўз ҳақингда гапир".
18.50 "Жонли тил".
19.50 "Бизнес-банк".
20.05 "Такдим".
20.25 "Тошкент оқшомиди".
21.25 — 22.50 "Шаҳризоданинг охиригиз тунин". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Буюк мақсад йўлида".

20.00 "Санта-Барбара". Телевидион бадий фильм.

20.50 — 24.00 "ОМАД" таништирилади: "Қитъа спорт".
Дастурда:
— йирик халқаро мусобақалардан репортажлар;
— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари, Осиё ўйинларининг катнашчилари билан суҳбатлар;
— спорт турлари ҳақида лавҳалар;
— ахборот ва ёлонлар.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.30 "Миниатюра".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Д. Туту.
18.50 Янгилар.
19.00 Тигиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Йуқолганларни излаб". Л. Орлова.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 "Монолог".
21.50 Сизга аталган учрашув. О. Меньшиков.

22.30 Катталар учун мультфильмлар.
22.50 — 23.05 Янгилар (сурдо таржимаси билан).

Пайшанба, 20

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи". Бадий фильм.
10.35 "Болалигим — гулбаҳор".
11.20 Инглиз тили.
11.50 "Кўзда борму сеҳрингиз". Мусикий кўрсатув.

12.30 — 14.30 "Маърифат". Телеканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.

18.25 "Ютуқлар калити" — тадбиркорликда.
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 Ёлонлар.
19.25 "Илҳом" телевидион клуби.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.

21.00 "Пахтазорга оқшом кўн-ганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Сўнгги найранг". Бадий фильм.

23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозеба".
18.55 "Бир шингил хангома".
19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.25 Видео янгиларлари.
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
20.30 — 22.30 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).

20.30 "Санта-Барбара". Телевидион бадий фильм.

"ТОШКЕНТ" студияси таништирилади:
21.20 Камер оркестри тақлиф этади.
21.50 "Умрбоқий қадриятлар". Ахлоқ ва одоб масалалари.
22.15 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Спартак" (Москва) — "Бавария" (Мюнхен). 2-тайм.
23.00 — 23.45 Футбол. УЕФА кубоги. "Динамо" (Москва) — "Реал" (Мадрид). 2-тайм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. У. Нобиле.

18.50 Янгилар.
19.00 Тигиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 В. Ерофеевнинг муаллифлик кўрсатуви.

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 Москва — Кремль.
22.00 — 23.30 Бадий фильм.

Жума, 21

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Қизил қор еқанда..." Бадий фильм.
10.15 Шеърли дақиқалар.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Немис тили.
11.20 "Соглом авлод учун".
11.40 "Ёшлар ва замон".
12.15 — 14.15 "Санъат сеҳри". Мусикий видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Қалбим наволари" Концерт.
18.35 "Қиш қутиб турмайди".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 "Самарқанднинг мовий гўлбазлари". "Ўзбектеlevision" махсулоти.
19.35 "Тилга эътибор...".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.

21.00 "Таълим — мустақиллик

пойдевори".
21.30 Мумтоз куйлардан концерт.
22.15 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ" студияси таништирилади:
18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.00 "Ёнгиндан сақланинг!".
19.30 "02" тўқинида.
19.55 "Билиб қўйган яхши".
20.20 — 21.35 "Орзуларимиз қанотида". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Хусусийлаштириш: янги йўналишлар". Бевоқиф мулоқот.

20.15 "Санта-Барбара". Телевидион бадий фильм.

"ОМАД" таништирилади:
21.05 Ёлонлар.
21.10 "Суперспорт". 2-кисм.
21.40 "Подийум".
22.40 Рок ҳақида.
22.35 "Даракчи".
22.50 Ёлонлар.

22.55 — 00.30 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун".
18.40 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгилар.

19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.

21.40 "Ҳафтанинг машҳур киши".
22.05 — 23.05 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 7-серия.

Шанба, 22

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Бу разведкада бўлган эди". Бадий фильм.
10.30 "Мақабимиз — фахримиз".
11.00 Осиё ўйинлари якунига бағишланган спорт кўрсатуви.
12.30 Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти талабаларининг концерти.
13.10 — 13.40 "Ғурур".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. "Мунгли кўзаларни ўқиб...".
18.25 "Сихат-саломатлик".
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 Лирик концерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёлонлар.
21.00 Санъат усталари концерти.
21.40 Бир асар тарихи. Одил Ёкубов. "Улғубек хазинаси".
22.25 "Тунги еғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
9.00 "Мультикарусель".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
10.10 Видеоид.
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.50 "Омад" тақвими.
13.00 "Жозеба".
13.20 "Бир шингил хангома".
13.30 Видео янгиларлари.
13.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар.
14.40 "Кинонигоҳ".

"ТОШКЕНТ" студияси таништирилади:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Спорт-тайм" видеоканал.
21.10 — 23.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

10.00 "Телеоператор нигоҳида".
10.15 "Умид" (уйғур тилида).
10.45 Япон куйларидан концерт.
11.15 — 12.15 "Замандас" (қозок тилида).

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.

19.20 "Мультикарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 Хитой телевидениесининг кўрсатувлари.
20.55 "Би-Би-Си" янгиларлари.
21.00 "Анор меваси". Жаҳон тасвирий санъатида портрет.
21.50 "Рангинкамон". "Овози тоқик"

газетаси — 70 ёшда (тожик тилида).
22.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
22.35 "Бу ажиб дунё".
23.00 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиларлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.45 "Ўшангача ва ундан сўнг...".
19.40 "Қоламбия пикчерс".

таништирилади: "Шляпалар командаси". Телесериал. 2-серия (АҚШ).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.

21.45 "Қоламбия пикчерс" таништирилади: "Зигфелд. Эркак ва унинг аёллари". Телевидион бадий фильм. 2-серия (АҚШ).
22.40 — 23.20 "Оқ тўти" клуби.

Якшанба, 23

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ шартлар".
9.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Махобҳорат". Кўп қисмли телевидион бадий видеофильм (Хиндистон). 89 — 90-сериялар.

12.00 "Киноредакция" почтасидан.
12.45 "Хукукингизни биласизми?".
13.05 "Халқ ижодиёти". Абдуқаҳҳор Раҳимов.

13.35 "Цирк! Цирк! Цирк!".
14.15 "Қўшиқ рақсга уланса".
14.45 — 16.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор" — "Пахтакор".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун.

"Қўшигим, жон қўшигим".
18.35 "Ойнаи жаҳонда".
18.55 Ёлонлар.

19.00 "Ҳафтаном" (рус тилида).
19.30 Ёлонлар.
19.35 "Мультипанорама".
20.10 "Анор". Янги номлар.

"Истиклол" гуруҳи.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ҳафтаном".
21.00 Ёлонлар.

21.05 "Шийпондаги учрашувлар".
22.15 "Холодильникда биров бор". Бадий фильм.

23.30 — 24.00 "Ҳафтаном".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусикий кўрсатув.
17.45 "Хусусийлаштириш — давр талаби".

18.00 Ёлонлар.
18.05 Видео — "О".
19.35 Ёлонлар.
19.40 "Курьер".
20.00 "Об-хаво ҳақида".
20.10 "Постфактум".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 Ёлонлар.
20.50 "Шарқ дурдоналари".
21.20 "Даракчи".
21.30 Ёлонлар.

21.35 — 23.05 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевидион танлови.

11.00 "Манбалар". Шарқ ва Европа маданиятининг ўзаро таъсири ҳақида.

11.40 — 12.10 "Тараққиёт сирлари". Исронда қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши тақрибидан.

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).
20.55 "Дунё эшиги". Миср иқтисодиёти.

21.35 "Интерпартнер". Голландия ва Германия қўшма корхоналари ҳақида.

22.15 "Би-Би-Си" янгиларлари.
22.30 "Қолумб кашф этган днр". 2-кўрсатув.

Александр Семёнович МАЙОРОВ

Шафқатсиз ўлим ишлар идоралари фахрийси, милиция полковниги Александр Семёнович Майоровни орамиздан олиб кетди.

А. С. Майоров 1927 йили Саратов вилоятида туғилди. Кўп йиллар партия-совет ташкилотларида ишлади. 1968 йили уларнинг йўлланмаси билан милиция хизматига ўтди.

Кўп йиллар Тошкент вилоят ЖТСБ бошлигининг ўринбосари, кейин вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари бўлиб ишлаган Александр Семёнович ўзининг виждонан ишлаши билан ҳамкасблари хурматига сазовор бўлди. У ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчилик даражасини пасайтириш, уларни очиш ҳиссасини кўпайтириш ишига кўп куч-гайрат сарфлади. Фидокорона меҳнати учун тақдирланган орден ва медаллари ана шундан далолат



беради. А. С. Майоров ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи бир талай юқори савияли ходимларни тарбиялади, уларнинг кўплари ҳозир ҳам ИИБ тизимида турли лавозимларда хизмат қилмоқдалар.

Александр Семёнович Майоровнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз. Унинг эркин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.



Денов шаҳар Ички ишлар бўлими томонидан 1946 йилда туғилган, Денов шаҳар Буденний кўчаси, 66-уйда яшовчи **Эргашкул (Ўлмас) МАРДОНОВ** қидирилмоқда. У 1992 йилнинг 2 март кuni ўзига тегишли бўлган "Ваз-2106" русумли В 8851 СД автомашинасида уйдан чиқиб кетган ва бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 160 см. атрофида, сочи қора ва олдинги қисми тўқилган, юзи юмалоқ, қошлари қора, мўйлови қора.



Оҳангарон тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1982 йилда туғилган, тумандаги "Тут" қишлоғида яшаб келган **Ўлмас Турғунович ҚОДИРАЛИЕВ** қидирилмоқда. У 1994 йил 14 июль кuni кеч соат 19 яримларда уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 120 см. атрофида, сочи калта, қулоқлари катта, кўзлари қора.

Кийими: эғнида қизғиш рангли футболка, оқиш рангли шим, оёғида каллиш бўлган.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ва Шофиркон тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1966 йилда туғилган, Шофиркон тумани Бобур номли жамоа хўжалиги Улухўжа қишлоғида яшовчи **Қуддус Ҳикматович ЯҲЁЕВ** қидирилмоқда. У шу йилнинг 8 август кuni уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 168-170 см., кўз-қоши қора, қулоғи ўртача, сочи қора, юзи чўзинчоқ.

Кийими: эғнида қора рангли,

енги калта футболка, кўк рангли жинси шим, оёғида кўк рангдаги туфли бўлган.

Алоҳида белгилари: 1987 йилдан буён руҳий касаллар ҳисобида туради, II гуруҳ ногирони, чап қўлида "ЎФИЛ" деб ёзилган татиуровка бор.

Қ. Яҳёевнинг кейинги тақдирдан хабардор фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1963 йилда Тошкент вилоятида туғилган, Яккасарой тумани, Саламатин кўчаси, 33-а уй, 11-ётоқхонада яшовчи **Золотой Карабаевич АРАББАЕВ** қидирилмоқда. У шу йилнинг 17 август кuni ўзи ишлаётган фабрикага бориш учун уйдан чиқиб кетган ва шу кўйи бедарак йўқолган.

Белгилари: юзи уч-бурчаксимон, сочи тўғри ва калта,

Э. Мардоновнинг қаердалигидан хабари бор фуқаролар бу ҳақда 91-002, 91-662, 91-534, 92-414 рақамли телефонлар орқали Денов шаҳар ИИБга ёки яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

қошлари тўғри, бурни қиррадор, лаблари юлқа.

Кийими: эғнида оқ кўйлак, қора рангли трико-иштон, оёғида қора шиппаги бўлган.

З. Араббаевнинг кейинги тақдирдан хабари бор фуқаролар бу ҳақда ўзлари яшаб турган ҳудуддаги милиция бўлимига хабар беришларини ёки 55-94-96, 55-98-21 ва 50-56-82 рақамли телефонлар орқали кўнғироқ қилиб, маълумот беришларини сўраймиз.



футболка, оқиш рангли шим, оёғида каллиш бўлган.

Алоҳида белгилари: руҳий касал, ўзи ҳақида ҳеч қанақа маълумот бера олмайди, дудқланиб гапиради.

Ў. Қодиралиевни кўрган билган фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 5-20-40, 5-14-36.

Шунақаси ҳам бўлади

"ВАЛЕТ, ЎН, ТУЗ..."

НАЖМИДДИН асли қишлоқлик. Шаҳарда милицияда ишлайди. Бу ери хизматчилик, шунинг учун ҳафтада бир мартагина қишлоғига келиб-кетди.

Шу ҳафта ҳам вақт топиб уйига келганди. Бугун эса қайтапти. Кайфияти аъло. Лекин атайлаб қилгандек, кўчада туриб қолди. Ўткинчи машиналар йўқ. У бирон соатча кутди, нуноби ошиб зўр кайфиятидан асар ҳам қолмади.

Ниҳоят олисдан бир машина кўринди. Цистернали "Зил" экан. Хайдовчи Нажмиддиннинг милиция кийимида бўлганлиги учунми е ўзи шунақа ҳолатбарорми, ишқилиб машинасини ғийкилатиб тўхтади.

— Шаҳаргами? — сўради Нажмиддин.

— Чикинг, катта бово.

Йўл-йўлакай чақ-чақлашиб кетишди. Хайдовчининг исми Илҳомжон экан. Ёлғизликдан зерикиб, "тўлиб" турган экан шекилли, суҳбатга жон киргизиб юборди ўзим. Гоҳо катта, гўштор қўлларини силкитиб-силкитиб кўяди.

Орада гап узилган эди, Илҳомжон енидаги магнитофон турмасини босди, дилга еқар кўшиқ янгради.

Шаҳарга кираверишга етганда эса йўл бўйида турган ДАН ходими уларга тўхташ ишорасини қилди.

— Ҳамкасбларингизнинг шу ишларига қойил эмасман-да, — деди хайдовчи тормозга оёқ босаркан.

— Ҳа, энди хизматчилик-да. Айбингиз йўқ, қўйиб юборишди, — дадла берди Нажмиддин.

Хайдовчи эса нима учундир бесаранжомланиб, гувоҳнома билан йўл варақасини оларкан "шундоқ бўлсин-да", деб автонозир олдиға кетди. Нажмиддин бир фурсат магнитофондан таралаётган ашулаға қулоқ солиб турди-да, сўнг у ҳам пастга тушиб кутиб турди.

Нозир хайдовчининг

ҳужжатларига кўз югуртириб чиққач, Нажмиддин билан сўрашиб, машина кабинасини кўздан кечирди. Ёқимли кўшиқ уни ҳам асир қилди шекилли:

— Зўр кассета экан, — деб қўйди.

— Ҳа, энди... — хайдовчи нимадир демокчи бўлди-ю кўшиқ тугаб, гапи бўлинди.

Орада бир лаҳза жимлик чўкди. Лекин шу пайт қаердандир "валет, ўн, туз...", сени галинг, тўхта, сени галинг деяпман... — деган жарангдор овозлар эшитилиб қолди. Нозир бу товушларни шубҳасиз магнитофондан эшитилган деб ўйлаб, хайдовчини қойган бўлди:

— Ҳозиргина кассетангизни мактовдим-а. Қаёқдаги маст-аластларнинг гапларини езиб, шундоқ кассетани бузиб қўйибсиз.

Хайдовчи икки қўлини ейиб: "Ҳа, энди...", — дея яна бир бор чайналди.

Шу чоқ ҳеч ким кутмаган ҳодиса юз берди. Цистерна ичида тарақ-туруқ овозлар эшитилди. Унинг очик қопқоғидан эса сочлари тўзиган калла кўринди:

— Илҳомжон, етиб келдикми?

"Калла" милиционерларни кўрдию, "не" деганча пастга шўнгиди. Нозир чаконлик билан цистерна устига сакраб чиқди ва ичкарига қаради. У ерда думалаб етган шишалар билан қалин кўрпачалар устида терга ботганча тўрт нафар одам ўтирарди. Энгашиб, уларга сўз қотди:

— "Валет, ўн, туз" денг?

У шундай дея машинадан пастга тушди-да, қўлига қоғоз-қалам олди.

— Нима қилмоқчисиз? — хавотирланиб сўради хайдовчи.

— Қилмишингиз учун сизни "Туз"ламоқчиман. — деди нозир ҳазиржавоблик билан.

Нажмиддин нима қиларини билмай хайрон эди...

Баҳриддин ХОЛМУРОДОВ.

Мухаррир
З. ОТАЕВ

МАНЗИЛГОХИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума
кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Кўлемалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 1204
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.605 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари
— 39-77-23, масъул
котиб — 59-20-96,
муҳбирлар бўлими —
59-26-56, умумий
бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.